# Фуқаролик жамияти

## *Уни шакллантиришда сиёсий партиялар қандай ўрин тутади?*

(Давоми. Боши 1-бетда).

арбоб Джесси Джексон: «Сайловларда сайловчиларнинг минглаб овозлари ўғирланди», деб билдирган ишончсизлигини мамлакатдаги кўпгина демократик кучлар қўллаб-қувватладилар. Ёки АҚШнинг собиқ президенти Б.Клинтон Президентлик муддати тугашига атиги икки соат қолганида суд томонидан ҳукм этилган 167 та фуқарони, жумладан Эрон билан бўлган нефт олди-сотдисида 48 миллион доллар солиқни яшириб қолганликда айбланаётган Марк Ричони авф этиб, амалдаги тартибни бузганлиги жамоатчилик ва конгресснинг норозилигига сабаб бўлди. Адлия вазирлиги раҳбарларидан бири Маркс Ливайн ўшанда: «Биз ўзи ҳуқуқий, демократик давлатмизми ёки йўқ..?», деб ўз ташвишини билдирганди.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин, демократиянинг ягона қолипи йўқ, балки ҳар қандай даврнинг, жамиятнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлар асосида шаклланиб борадиган ўз демократияси бўлади.

Ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини шакллантиришда Ўзбекистон ўзига хос йўлдан боряпти, дейиш мумкин. Ғарб демократиясининг мезонлари кўр-кўрона кўчирилгани йўқ, балки унинг ижобий жиҳатлари халқимиз анъаналари, менталитетимиз хусусиятларига мос равишда босқичма-босқич шаклланмоқда, унинг иқтисодий асослари яратилмоқда.

Мамлакатимизда, айтиш жоизки, демократиянинг муҳим тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш учун ҳуқуқий замин яратилди, унинг ўзига хос қадриятлари шаклланди. У умуминсоний принципларга асосланган бўлиб, инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари «олий қадрият» ҳисобланади.

Конституциянинг 7-моддасида «халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи» сифатида белгиланган бўлса, 2-моддасида давлат органлари ва мансабдор шахслар халқнинг иродасини ифода этиши, унинг манфаатларига хизмат қилиши ва улар олдида масъул эканликлари айтилган. Давлат ҳокимиятини амалга оширишда фуқаролар демократиянинг икки тури воситасида иштирок этишаяпти. Биринчиси, бевосита демократия бўлиб, фуқаролар давлат ва жамият ҳаётига алоқадор бўлган масалаларга референдумлар, эркин сайловлар, қонун лойиҳаларини муҳокама этиш воситаси, ўзини ўзи бошқариш органлари, меҳнат жамоалари ва фуқароларнинг барча даражадаги ҳокимият тузилмаларига якка ёки жамоа бўлиб мурожаат қилишлари, аҳолининг айрим масалалар бўйича фикрларини сўров йўли билан аниқлаш орқали ҳал этадилар. Иккинчиси вакиллик демократияси бўлиб, масалаларга фуқаролар ўзлари сайлаган вакиллари — депутатлар воситасида муносабат билдирадилар. Ҳар қандай демократик мамлакатда бу икки йўл биргаликда олиб борилади, бири иккинчисини тўлдиради.

Демократияни, айниқса, бир тизимдан бошқасига ўтаётганда йўриқномалар асосида амалга ошириб бўлмаслиги жаҳон тажрибасидан маълум. Шу боис демократияни барқарор ҳолатда шакллантириш учун ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишга қодир бўлган давлат бош ислоҳотчи этиб белгиланди. Ва бу амалиётда ўз меваларини бера бошлади, тўғри йўл танланганини кўрсатди. 130 га яқин миллат ва элат вакиллари яшайдиган мамлакатнинг ўтиш даврини турли ижтимоий ларзаларсиз енгиб ўтаётганлиги бунинг яққол далилидир. Эркинлик ниқобидаги бошбошдоқликка йўл бериш, давлатнинг ислоҳотчилик ролига етарли баҳо бермаслик, ҳокимият жиловини ўз қолига ташлаб қўйиш минтақамиздаги мамлакатлар мисолида қандай оқибатларга олиб келганини ўз кўзимиз билан кўрдик. 30-йиллар бошида президент Рузвельт бошчилигидаги давлат Американи катта инқироздан эсон-омон олиб чиққанлиги ҳам давлатнинг ислоҳотлар давридаги роли ниҳоятда муҳимлигидан далолат беради.

Демократиялаштириш жараёнини янада чуқурлаштиришнинг асосий воситаларидан бири сиёсий партиялардир. Бу тизим муҳим демократик институт ҳисобланади. Президент ўз нутқларидан бирида: «Жамиятни демократиялаш жараёни сиёсий институтлар — партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқ», деб айтган эдилар. Модомики шундай экан, бу жараён мамлакатимизда қандай ҳолатда кечмоқда?

Аввало шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари асосий қонунимизнинг 34 ва 77-моддаларида «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунда ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган. Амалдаги қонунларда сиёсий партияларнинг Парламент ва маҳаллий Кенгашларда фаолият юритишлари учун кенг имкониятлар берилган. Улар сайланган вакиллари орқали қонунчилик ташаббуси билан чиқишлари, ҳукумат ва маҳаллий давлат органларига сўров билан мурожаат этишлари, муҳокама қилинаётган масалаларга партия нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолатда муносабат билдиришлари, партия гуруҳлари воситасида вакиллик органидаги қўмита ёки комиссия раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритишлари мумкин.

Ўтиш даврида фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида сиёсий партиялар зиммасига катта юк тушиши аниқ. Шу боис мамлакатимиз раҳбари «Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ҳокимият тузилмаларидан, аввало, ҳокимиятнинг сайлаб олинаётган органларидан ўрин олиш учун курашар эканлар, аниқ мақсадлари, ҳаракат дастурлари бўлиши керак. Токи бу дастурларнинг амалга оширилиши мамлакатдаги ижобий ўзгаришларга баракали таъсир этсин», деб алоҳида таъкидлаган эдилар.

Икки палатали Парламент тизимига ўтилиши эса сиёсий партияларга келгусида катта имкониятлар бериш билан биргаликда улар зиммасига улкан масъулият ва вазифалар ҳам юклайди. Чунки қуйи палата, асосан, сиёсий партияларнинг вакиллари ва мустақил депутатлардан таркиб топар экан, парламентда доимий асосда фаолият кўрсатаркан, улар даврни, қонунчилик ишини пухта биладиган депутатлар бўлишлари керак. Бу эса ҳар бир сиёсий партия ўзининг парламентдаги вакиллари — депутатлари орқали мамлакат ҳаётида кечаётган жараёнларга таъсир этиш, ўз манфаатларини қабул қилинадиган қонунларда ифодалаш ва уни амалдаги ҳокимият томонидан рўёбга чиқариш имкониятини беради.

Сиёсий партиялар босқичма-босқич ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимиятларни раҳбар кадрлар билан таъминловчи манбалардан бирига айлана боради. Сайловлар жараёнида, табиийки, сиёсий партиялар ўртасида чинакам рақобат пайдо бўлади. Ва улар бир-бирларини мунтазам назорат қилиб боради.

Бордию парламентдан кўп ўрин эгаллаган сиёсий партия сайловолди курашларда олға сурган дастурий ғояларини амалга оширишда фаолиятсизлик кўрсатса, унга мухолиф бўлган бошқа фракция вакиллари унинг камчиликларини фош этиб, ўз мавқеини мустаҳкамлаб олади. Бу эса ўша партия учун келгуси сайловларда қарийб мағлубият деганидир.

Рақобат партиялар билан ҳукумат ўртасида эмас, балки ҳокимият тепасига келган партия билан сайловларда ҳокимиятни қўлга киритиш учун интилаётган сиёсий партиялар ўртасида кечади. Шу сабабли ҳокимият тепасига келган сиёсий партия ҳокимиятни қўлдан бермаслик учун сайловчилари манфаатлари асосида фаолият юргизишга ҳаракат қилади.

Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи уларнинг сони билан белгиланмайди. Асосий мезон уларнинг амалий фаолиятидир.

Яна бир муҳим хулоса шуки, сиёсий партиялар фаолиятини оширмасдан туриб фуқаролик жамиятини шакллантириш қийин. Шундай экан, сиёсий партиялар фаолияти механизмини босқичма-босқич дунёвий мезонларга яқинлаштириш лозим. Ҳокимият тақсимланиши тамойилини босқичма-босқич маҳаллий давлат органлари фаолиятига ҳам татбиқ этишни чуқурлаштириш керак. Бу ўз навбатида халқ депутатлари Кенгашларидаги депутатлар ролини кучайтириш имконини туғдиради. Шу билан биргаликда маҳаллий Кенгашлар маҳаллий ижро ҳокимияти фаолияти устидан самарали назорат ўрнатади. Ва ана шундай йўллар билан сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи босқичма-босқич ортиб боради.

**Фахриддин БОБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси магистри.**

Таклиф



**Умумбашарий тараққиётга улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг тарихий хизматлари тарғиб-ташвиқ этилаётгани, бу борада оммавий ахборот воситалари, адабиёт ва санъат аҳли, ижодкор зиёлиларимиз катта ишларни амалга ошираётган бир пайтда фақат ўтмиш билан фахрланиб қолмасдан, бугунги кун қаҳрамонларини, илғор замондошларимизни ҳам элга танитиш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиб, ибрат намунаси қилиб кўрсатиш давримизнинг ҳаётий эҳтиёжига айланмоқда.**

# Навқирон авлод жаҳонга чиқмоқчи...

Очиғини айтганда, собиқ иттифоқ замонида Ўзбекистон спортчиларининг хорижий элларга мусобақаларга бориши ноёб воқеа эди. Боксчимиз Руфат Рисқиев истеъдоди, кучи, маҳорати билан бошқалардан бир-икки бош баланд бўлганлиги туфайли, Кубага бориб жаҳон чемпиони бўлиб қайтган эди. Ҳолбуки, бу даражага етгунча қанчадан-қанча очиқ ва пинҳоний тўсиқларга учраган. Абдураимов, Красницкий каби футболчиларимиз собиқ терма команда таркибида бемалол тўп суришлари мумкин эди, лекин бунга имкон беришмаган.

Истиқлол шарофати билангина спортчиларимизга йўл очилди, ўзларини кўрсатиш, юртимиз шарафини улуғлаш имконияти пайдо бўлди. Эндиликда Қосимжонов, Григорян, Абдуллаев, Чусовитина, Тўлаганова, Қосимов ва бошқа спортчиларимиз номлари етти иқлимда маълум.

Мустақиллик йилларида каратэчиларимиз турли мусобақаларда 300 га яқин совринга сазовор бўлишибди. Яқингача кўпларимизнинг тилимиз «таэквондо» сўзини айтишга айланмасди, эндиликда бу соҳадаги ютуқларимиз япон, корейс, хитой спортчиларининикидан қолишмайди.

Хўш, юртимиз шуҳратини жаҳонга таратаётган спортчиларимизнинг хориж мусобақаларидаги жасорати, ғалабаларини кўнгилдагидай ёрита олаяпмизми? Бизнингча, йўқ. Бунинг сабаби: мусобақаларга бир таржимон борса боради, бормаса — йўқ. У, асосан, таржимонлик билан шуғулланади, журналистик материални яхши ёзолмайди ёки умуман ёзишни хаёлига келтирмайди. Қўшилиб борган журналистларнинг ҳаммаси ҳам чет тилларни билади, деб бўлмайди. Таклифимиз: Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети таркибида ташкил этилган Халқаро журналистика факультетида бугунги кунда 250 талаба таҳсил олмоқда, улар журналистика сирларини ўрганиш асносида гуруҳларга бўлиниб, инглиз, француз, немис, испан, япон, хитой, корейс, араб тилларини ўрганишмоқда. Кўпчилиги хорижий тилларда бемалол гаплашади ва қалам тебратади. Хорижда бўладиган мусобақага, айтайлик, Англия, АҚШда ўтадиган боксчилар, курашчилар мусобақасига, Япония, Хитой, Кореяда ўтадиган каратэ, дзюдо, таэквондо, футбол мусобақаларида халқаро журналистика факультетининг бирор талабаси қўшиб юборилса ҳам таржимонлик қилишар, ҳам кураш жараёнини муфассал ёритадиган ранг-баранг мақолалар ёзиб келишарди. Ҳозир-чи, биз хорижда ўтган мусобақалар ҳақида нари борса, телеёзувдан бошқа етарли маълумотга эга бўлмаймиз: мусобақа қандай ўтди, спортчиларимиз маҳорати, жасорати, бу ҳақда маҳаллий газеталар нима деб ёзгани, Давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳияси янграганда уларнинг ҳолати, томошабинларнинг таассуроти қоронғи бўлиб қолади. Ҳолбуки, мана мен деган теннисчилар орасида Ироданинг кўрсатган иродаси, донгдор боксчимиз Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг рингда нималарга қодирлиги, шахматчимиз Рустамнинг анандона маҳорати тафсилотлари ёшлар учун катта ибрат мактаби бўлиши мумкин. Бундай ҳаяжонли воқеаларни таъсирли ёзиш, тавсифлаш, суратга тушириш учун уларни кўриш, гувоҳи бўлиш лозим. Бу шарафли, масъулиятли ишда бўлғуси халқаро журналистларимиз ҳам четда қолмаса деймиз.

Бу эзгу ишга, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Ўзтелерадиокомпания», «Умид», «Улуғбек» ва бошқа жамғармалар, мутасадди ташкилотлар кўпроқ эътибор беришса, айни муддао бўларди.

**Сайди УМИРОВ,**
**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети декани.**

**Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ,**
**Журналистика назарияси, амалиёти ва тарихи кафедраси мудири.**

# Сув муаммосига бағишланди

(Давоми. Боши 1-бетда).

амалга оширгани қайд этилди. Муаммони ҳал этиш учун давлат бюджетидан катта миқдорда маблағ ажратилмоқда, ҳукумат кафолатлари остида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Қувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси кредитлари, Франция ва Германиядан маблағ жалб этилди. Швейцария, Япония, Жанубий Корея, Америка Қўшма Штатлари ҳукуматлари, БМТнинг ривожланиш дастури сув таъминоти объектларини молиялаш орқали беғараз ёрдам кўрсатмоқда. Минтақада сув танқислиги оқибатларини бартараф этишга кўпгина халқаро ташкилотлар ва жамғармалар сезиларли улуш қўшди. Улар ушбу минтақа аҳолисига тиббий ускуналар ва дори-дармонлар, кийим-кечак ҳамда болалар учун озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берди.

Йиғилишда, шунингдек, ер ости чучук сув манбаларини излаш ва сув таъминоти қудуқларини қазиш имкониятлари, сув таъминоти иншоотлари учун қурилиш техникаси ва ускуналарини, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки кредити ҳисобидан дори-дармон препаратларини харид қилишни тезлаштириш, Қорақалпоғистоннинг шимолий ҳудудларида ёз фаслигача 2100 тадан ортиқ қўл насосларини ўрнатиш бўйича қурилиш ишларини олиб бориш, Нукус, Тўрткўл, Беруний, Урганчда хорижий пудратчилар томонидан ичимлик суви таъминоти иншоотлари қурилишини якунлаш, 28 та сув тақсимлаш тармоқларини тиклаш ҳамда қайта жиҳозлаш масалалари кўриб чиқилди.

Муҳокама якунида минтақада сув танқислигининг олдини олиш ҳамда унинг оқибатларини бартараф этишга доир чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлигига республика идоралари иштирокида барча аҳоли пунктларини санитария-эпидемиология кескинлиги юзага келиши мумкин бўлган марказларни аниқлаш мақсадида текшириш, ичимлик суви таъминотининг муқобил манбаларини излаш ҳамда тайёрлаш, қишлоқ аҳоли пунктларида мақбул турмуш шароитларини яратиш, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари, шифохоналарни тоза ичимлик суви билан таъминлашга доир ишларни ташкил қилиш топширилди. Сув танқислиги асоратларини енгиллаштириш учун қўшимча манба ва ресурсларни жалб этиш ишлари давом эттирилади.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Т.Холтоев, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Т.Камолов иштирок этди.

**(ЎзА).**

# Соғлом оила — соғлом жамият

(Давоми. Боши 1-бетда).

нинг уйда ишлаш каби шакли ҳам ривожлантирилмоқда. Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида тадбиркор аёлларга 56,4 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди.

Ёш авлод тарбияси давлат ва жамоатчилик тузилмаларининг диққат марказида турибди. Кўпгина ҳудудларда яшаш жойлари бўйича "Маҳалла халқ университетлари", "Ота-оналар мактаблари" ташкил этилди, маҳаллаларда кичик спорт мажмуалари қурилмоқда. Улар ёшларни комил, маънавий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялашга хизмат қилади. Иқтидорли болалар ва ўсмирларни аниқлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш давом эттирилмоқда.

Бироқ, оила, оналик ва болалик соҳасида етарлича эътибор қаратилмаётган кўпгина муаммолар ҳам мавжуд. Айниқса, қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи аёлларнинг бандлигини таъминлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳисобига улар учун иш ўринлари яратиш муаммоси ҳамон долзарблигича қолмоқда. Аёллар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, зарарли ғояларнинг тарқалишига қарши чораларни кучайтириш зарур.

Йиғилишда Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари, бир қанча вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари ҳисоботлари тингланди.

Муҳокама якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Қўшхабар

# «Равшан-Б А» машҳур бўлиб бораяпти

**Қарши туманидаги мазкур кичик корхонада тайёрланаётган ғиштлар оддий ғишт эмас, безакли, айни чоғда сифатли. Шунинг учун тарихий обидаларни таъмирлашда, коллеж ва лицей каби иншоотларни безашда ана шу ғиштлардан фойдаланилмоқда. Ҳозиргача кичик корхонага 6 миллион сўмлик ғиштга буюртма тушди.**

# Маҳаллалар фаоллари ўқишди

**Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, «Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий маркази, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ва Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти раҳбарияти ҳамкорликда бир ҳафта мобайнида маҳалла фаоллари билан ўқув машғулотлари ўтказишди. Машғулотларда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини шакллантиришга оид энг долзарб масалалар ҳақида фикр юритилди.**

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Аҳвол қалай, Мирзачўл деҳқони?



**Бундан тўрт-беш йил муқаддам Ҳамза номли кооператив хўжалиги нафақат вилоятда, балки республикада ҳам илғорлар қаторида тилга олинарди. Ғалла ҳосилдорлиги 33-35 центнерни, пахтаники эса 30-32 центнерни ташкил этар, ер ва иқлим шароити оғир бўлган чўл шароитида бу юқори натижа ҳисобланарди. Ўша йиллари тўрт нафар деҳқонга «Меҳнат шуҳрати» ордени берилганлиги ҳам бежиз эмас. Кўпгина оилалар тонналаб дон олишар, қўллари катта-катта пул кўрарди.**



# Кишилар руҳиятидаги ўзгариш

## янги ютуқларга йўл очмоқда

Кейинги йилларда мана шу илғор хўжалик аста-секин чўкиб қолди. Кетма-кет раҳбарлар алмашди. Ерларни қайтадан шўр боса бошлади. Кишиларда меҳнатга иштиёқ, раҳбариятга нисбатан ишонч сусайди.

Вилоят ҳокимияти тавсияси билан Пиримқул Сойибназаров хўжаликка қайтадан раҳбар этиб тайинланди. Бу қарорни кўпчилик хушнудлик билан кутиб олди. Негаки, улар Сойибназаровнинг салоҳияти ва ташаббускорлигини яхши билишарди-да.

— Мен аввалги раҳбарларни танқид қилиб ўтирмайман. Фақат битта ғалати ҳолни тилга олмасам бўлмайди. Ўтган йили айни саратон кезлари 400 гектар экин майдонини об-ҳаёт билан таъминлаб турган лоток-ариқ қулаб тушибди. Ва саккиз ой давомида ушбу сув йўлининг тузатилмаганлиги ачинарлидир. Ана энди катта-катта майдонлардаги пахта ва бошқа экинларнинг ҳоли нима кечганлигини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Уч кун ичида сув йўлини михдек қилиб созлаб олдик. Ҳозир бу ариқдан далаларга туну кун об-ҳаёт оқиб турибди. Бир ой ичида 1650 гектар ғаллазорга ўғит бердик, икки маротаба суғордик. Бугунгача 1500 гектарга чигит қадалди. Минг гектар майдонда ғўза бўй кўрсатди.

Хўжалик раҳбари билан дала айланамиз. Сув ва ўғитга қонган буғдой майсалари тиззага келган. Плёнка остида ундирилган яшил ғўзалар дуркун ривожланмоқда. Салкам 500 гектар майдон биринчи ишловдан чиқарилган. Шу ўринда эътиборли бир далилни тилга олайлик. Сойибназаров ишга келган кезлари хўжаликда атиги иккита ҳайдов трактори ва қатор ораларига ишлов берадиган учта техника бор эди, холос. Бугунги кунда уларнинг сони йигирматага етди. Қонунсиз ўзлаштириб олинган техникалар хўжаликка қайтарилди, носозлари сифатли таъмирланди.

Наби Зойитов етакчилигидаги фермер хўжалиги тасарруфида 58 гектар майдон бор. Бу ерда ғўзага дастлабки ишлов бериш поёнига етказилаяпти. Юзкўзига чанг ўтирган фермер билан гурунглашамиз.



— Ҳозирги кунда баҳонага асло ўрин йўқ. Ишга зўр берган деҳқонгина мой чайнайди, — дейди у. — Ҳар тонгда дала айланаман. Ҳар тушда ниҳол санайман. Қоронғи тушса ҳам даладан чиққим келмайди. Ерни доимо қўзғаб туриш керак. Ахир, ғўзанинг тақдири парваришга, ўғит ва сувга боғлиқ. Эл-юртнинг, бола-чақаларимизнинг ризқи мана шу далаларга сочилган. Бир кун, бир соат ишни бўшаштирган деҳқон ўз насибасини бой берган бўлади...

Фермернинг мулоҳазасини эшитган Пиримқул Сойибназаров мийиғида кулиб қўйди.

— Набижоннинг фикрига қўшиламан. Хўжалигимизда салкам 2000 нафар аҳоли бор. Уларнинг аксарияти мана шу далаларга, ундириладиган ҳосилга кўз тикиб турибди. Мен бироз тили аччиқ раҳбарман. Кузга бориб ер чизиб ўтирганидан кўра бугунги кунда жондан кечиб ишлашни афзал биламан. Яна бир гапни айтмасам бўлмайди. Хўжалигимизда 64 нафар фермер бор. Уларнинг ҳеч бири кечқурунги маслаҳат йиғилишига келмас экан. Фаоллар билан фикрлашиб, ана шу фермерлардан етти нафар вакил сайладик. Улар ҳар куни кечқурунги йиғилишда дала ишларининг бориши, эришилган ютуқлар ва мавжуд нуқсонлар тўғрисида ҳисобот беришади. Кимга қандай ёрдам бериш кераклиги кўриб чиқилади. Бундай шароитда аҳволни ўнглаш унчалик қийин эмас.

Тўғри, фермерларнинг эркинлиги, оладиган даромадлари дахлсиз, аммо гап ҳосил тақдири ҳақида борар экан, бу ҳақда ҳаммамиз биргаликда қайғуришимиз, эл-юрт ишончини оқлаш учун барча имкониятлардан фойдаланишимиз лозим.

Ҳамза номли хўжалик дала ишларини ташкил этишда Меҳнатобод туманида илғорлар сафига чиқиб олди. Маркази тобора чирой очмоқда. Дарахтлар оқланган, шакл берилган. Чаман бўлиб гуллаган боғларда бир дона ҳам бегона ўтни кўрмайсиз. Хўжалик раҳбари ҳар тонг дала айланишу қишлоқ кезишни канда қилмайди.

Энг муҳим ўзгариш кишилар руҳиятида намоён бўлмоқда. Улар ишга астойдил ёпишадиган бўлиб қолдилар. Хўжалик раҳбарининг ишонч билан таъкидлашича, мана шу далаларда кузга бориб улкан хирмонлар яратилади. Бунинг учун қўлни-қўлга бериб меҳнат қилмоқ, муштни бир ерга урмоқ керак, холос. Ана шунда аввалги шуҳрат қайта тикланади. Одамларнинг омборлари донга, чўнтаклари пулга тўлади. Далаларда, боғларда олиб борилаётган самарали меҳнат бундан шоҳидлик бериб турибди.

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**СУРАТЛАРДА: Меҳнатобод тумани Ҳамза кооператив ширкат хўжалиги ҳаётидан лавҳалар.**

**Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

# Мозий дурдоналари

## Келгуси ҳафтада Темурийлар тарихи давлат музейида Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган дастлабки кўргазма очилади

«Ўзбекистон мозий дурдоналари» деб аталувчи кенг қамровли ушбу кўргазма ҳукуматимиз қарори асосида мамлакатимизнинг етакчи олимлари ва музей ходимлари томонидан тайёрланган. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ҳар бири алоҳида мавзуни ёритувчи бўлимлардан ташкил топган бўлиб, йил давомида намойиш этилади.

Кўргазмада кўҳна тарихимиздан гувоҳлик берувчи, аксарияти Ўзбекистон заминидан топилган ноёб ва ўта нодир топилмалар ўрин олган. Мамлакатимиз олимларининг хорижлик ҳамкасблари билан яқин ҳамкорликда олиб бораётган илмий изланишларининг натижалари ҳам кўргазмада акс этгани эътиборга сазовордир.

Кўргазмага Президентимиз Ислом Каримовнинг «Тарих — халқ маънавиятининг асосидир» деган сўзларининг асос қилиб олиниши ҳам бежиз эмас.

Бу ерда намойиш этилаётган осори атиқалар, ўта ғаройиб топилмаларни кўздан кечирар экансиз, беихтиёр кўҳна тарихга, бой маданиятга эга бўлган шундай муборак заминда яшаётганингиздан ғурурланиб кетасиз ва мозий қаърига саёҳат қилгандек бўласиз. Бу ноёб топилмаларнинг қайси даврга мансублигининг ўзиёқ сизга кўп нарсалардан далолат бериб туради. Масалан, қадимий тош асрига мансуб бўлган, ўзида 1 миллион 200 минг йиллик тарихни акс эттирган Селунгур (Фарғона водийси); 700-650 минг йиллик Кўлбулоқ (Тошкент вилояти, Ангрен); 100 минг йиллик Тешиктош (Сурхондарё вилояти); 46-42 минг йиллик Обираҳмат (Тошкент вилояти); 25-20 минг йиллик Учтут (Навоий вилояти); 10-9 минг йиллик Мачай (Сурхондарё вилояти) ҳамда бронза даврига оид Сополлитепа, Жарқўрғон (Сурхондарё вилояти); Чуст (Фарғона вилояти); Қизилқир (Бухоро вилояти); Бўстонлиқ (Тошкент вилояти) каби археологик ёдгорликларга тегишли топилмалар фикримизнинг далилидир.

Олис аждодларимиз ҳаётидан гувоҳлик берувчи ушбу меҳнат ва ов қуроллари, «ферғантропа» деб аталувчи суяк қолдиқлари ҳамда қадимги одамлар яшаган манзилгоҳларда биолог ва геохимиклар томонидан олиб борилган кенг қамровли текширишларга асосланиб, ўзбек олимлари Ўзбекистонда ва умуман, Ўрта Осиёда инсон камида 1 миллион 200 минг — 1 миллион 750 минг йиллик даврий жараён мобайнида пайдо бўлган ва тарқала бошлаган, деган аниқ хулосага келишди. Бу эса бизнинг минтақамиз ҳам, Хитой, Индонезия, Жанубий Европа, Шимолий Африкадаги қадимий антропологик топилмалар манзилгоҳлари каби, ер юзидаги дастлабки инсон пайдо бўлган маконлардан бири бўлганини кўрсатади.

Кўргазмадан кўпчиликка яхши маълум бўлган неандертал одамнинг бош чаноғи ҳам ўрин олган. Яна бир диққатга сазовор топилма — улкан Учтут тоши, нуклеусдир. Ушбу тошдан бундан 20-25 минг йил бурун оддий меҳнат қуроллари ва уй-рўзғор буюмлари ясалган. Бу — қадимда бир гуруҳ одамлар эҳтиёжини қондирган ишлаб чиқариш воситаси тимсолидир.

### Тарих — халқ маънавиятининг асосидир

Намойиш этилаётган буюмлар бугунги инсонларнинг аждоди бўлмиш хома сапиенс — онгли одамнинг, ер юзининг бошқа минтақаларида бўлгани каби, бизнинг ҳудудда бундан 40-50 минг йиллар олдин яшаганини исбот этади. Айни пайтда ушбу кўргазма бу одамнинг ҳаёт фаолияти излари юз минг йиллик чегарасигача боришини ҳам яққол намойиш қилади.

Қадимги одамларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда дунёқарашини акс эттирувчи, дунёга машҳур Зараутсой (Жанубий Ўзбекистон, Сурхондарё вилояти, милоддан 12-14 минг йил олдин) қоятошига чизилган расмларнинг суратлари ҳам кўргазмадан ўрин эгаллаган.

Кўргазма ўлкамизнинг инсоният пайдо бўлган дастлабки даврлардаёқ ўзига хос цивилизация ўчоқларидан бири бўлганини, унинг марказлари Амударё ва Сирдарё оралиғидаги катта-кичик дарё бўйларида, тоғ ёнбағирлари ва водийларда жойлашганини кўрсатади.

### Кўплаб топилмалар уларнинг юқори даражадаги технология асосида ишланганидан дарак беради

Кўргазманинг неолит даврига оид бўлими тош қуроллари, овчилик аслаҳаларидан ташқари, уй-рўзғор буюмларига ҳам бой. Бу ердаги сопол буюмлар маҳаллий кулолчилик анъаналари илгари тахмин қилинганидан ҳам кўра қадимийроқ даврларга бориб боғланишини кўрсатади. Бўйнига доира шаклидаги безак туширилган ошхона хумчаси алоҳида диққатни тортади. 7 минг йил аввал ясалган бу ноёб идиш ўзбек-поляк экспедициясининг Бухоро воҳасидаги Ғиждувон ва Шаҳрихон оралиғидаги ҳудудда олиб борган қазилмалари чоғида топилган.

Фарғона водийсининг Чуст ва Шўрабашат ҳудудларидан топилган нақшинкор кулолчилик намуналари ҳам томошабинларда катта қизиқиш уйғотади.

Сополлитепа ва Жарқўрғондан (Ўзбекистоннинг жануби, милоддан аввалги иккинчи минг йиллик) қазиб олинган ноёб топилмалар кенг жамоатчиликка илк бор намойиш қилинмоқда. 3,5 минг йил олдин яратилган мазкур осори атиқалар ўлкамиз тарихининг энг қизиқарли даври — Ватанимиз ҳудудида давлатчилик шаклидаги илк шаҳарлар пайдо бўла бошлаган замонларни тасаввур этиш имконини беради.



Ўша даврда бунёд этилган қурилиш иншоотларида монументал меъморлик намуналари кўзга ташланган. Чунончи, 100 гектардан зиёд майдонни эгаллаган Жарқўрғон қўрғони сарой мажмуаси ва турар-жой иншоотларидан иборат бўлиб, у ўзининг кулолчилик, бронза қуйиш ва тўқимачилик каби ишлаб чиқариш соҳаларига эга бўлган. Айни пайтда бу кўҳна шаҳарнинг олов ёқиб сиғинадиган ибодатхонаси, шаҳар чеккасида эса қабристони ҳам бўлган. Хуллас, пайғамбар Зардушт ва зардуштийлик пайдо бўлишидан роппа-роса минг йил муқаддам минтақамиз ҳудудида диний маданиятнинг шаклланиши учун барча асослар юзага келган.

Нуфузли мутахассисларнинг фикрига кўра, Бўстонсой дарёси қирғоғида жойлашган кўҳна шаҳарнинг шаҳарсозлик маданияти қадимий Шарқдаги илк шаҳар-мамлакатларнинг тараққиётига тенг, баъзида ҳатто уларникидан ҳам юқори турган. Жарқўрғон мустақил тарзда ривожлана бориб, нафақат Ҳиндистон, балки Хитой билан ҳам турлича алоқалар ўрнатгани эҳтимолдан холи эмас.

Ўша даврга оид кўплаб топилмалар уларнинг юқори даражадаги технология асосида ишланганидан дарак беради. Бу эса, ўз навбатида, ўша даврлардаёқ турли йўналишга ихтисослашган уста ва ҳунармандлар бўлганини, бир хил изчилликдаги ишлаб чиқариш фаолияти анъаналари шаклана бошлаганини билдиради.

Бронзадан ясалган буюмлар, яримқимматбаҳо тошлар билан безатилган нафис заргарлик тақинчоқлари, шунингдек, оловда пиширилган ғаройиб сопол жом, хум ва лаганлар кишини ҳайратга солади. Мазкур буюмларнинг уй-рўзғор учун жуда қулай ясалгани, кўркамлиги ҳатто энг замонавий кишини ҳам лол қолдиради. Комил ишонч билан айта оламизки, бойлар, аслзодалар, пўрим кийинувчилар, оддий фуқаролар — барча-барчага муносиб, турли маросимлар учун мўлжалланган буюмлар нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам сотилган.

Кўргазма узоқ ўтмишга назар ташлаш, халқимизнинг бениҳоя теран тарихий-маданий илдизларини чуқур ҳис этиш имконини беради.

Маълумки, муборак заминимиз қадим-қадимдан истеъдодли кулоллар ватани бўлиб келган. Бу ерда ҳатто оддий лойдан ҳам қандай гўзал ва тенгсиз санъат асарлари яратилган! Кулолчилик маҳсулотларининг ғоятда мустаҳкам ишлангани ва сифати (бир хилда тусланиши ва силлиқлиги), гўзал шакли шундан далолат берадики, аждодларимиз моданинг хусусиятларига теран тушуниб, унга ишлов бериш бўйича бекиёс билимларга эга бўлганлар. Улар бу билимларни, замонавий тилда айтганда, юқори технологияларга жо этганлар. Кўргазмага қўйилган ҳунармандчилик намуналари бу фикримизни яққол тасдиқлайди.

### Париждаги Лувр музейи ҳам сак маликасига тегишли топилмани ўз залларида намойиш этмоқчи

Узоқ ўтмишдаги усталар маҳсулот яратиш борасидаги техник кўникмалари ва маҳорат сирларини авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдиришган. Бу анъаналар бугунги кунда қайта тикланмоқда.

Кўргазма экспонатлари шундан гувоҳлик берадики, ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланувчи заминдор қабилалар билан чорвадор-чўпонлар қавми ўртасидаги муносабатлар яхшиланган давр минтақамизда илк давлатчилик анъаналарининг тадрижий ва изчил тараққий этишига асос бўлган. Қолаверса, ўша пайтдаги жуғрофий, иқлим ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ҳам бунга қулай имкон яратган. Шу боис айнан ўша даврларда бир қатор тарихий-маданий ҳудудлар, жумладан, Бақтрия, Сўғд, Хоразм юзага келган, бугунги Ўзбекистон халқининг аждодлари бўлмиш эл ва элатларнинг шаклланиши рўй берган.

Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюрган томошабин, айниқса яна бир ноёб экспонатлар мажмуига алоҳида диққат қилиши табиий. Бу — Самарқанд вилоятидаги қадимий Кўктепа шаҳри харобаларидан ўзбек-француз олимларининг қўшма экспедицияси томонидан яқиндагина топилган, милоддан аввалги иккинчи-биринчи асрларга таалluқли сак маликасига тегишли олтин безакли кийим ва буюмлардир.

Бу ёдгорликларнинг топилиши дунё маданий жамоатчилиги орасида катта шов-шувга сабаб бўлган эди. Шу боис Париждаги жаҳонга машҳур Лувр музейи ҳам уни ўз залларида намойиш этиш истагини билдириб, хат йўллади. Топилма тўлиқ таъмирдан чиқарилгач, уни дунё бўйлаб намойиш этиш имкони туғилади.

Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган ушбу дастлабки кўргазма ва унинг кейинги экспозициялари инсоният тарихининг бир бўлаги бўлмиш Ўзбекистон тарихининг шу пайтга қадар номаълум бўлиб келган қирраларини, бу кўҳна заминда қарор топган давлатчилик анъаналарини, турли даврлардаги цивилизацияларни ёритиб беради.

Муқаддас тупроғимизда олиб борилган кўп йиллик изланишлар самараси ўлароқ топилган бу нодир топилмалар Ўзбекистон ҳудуди умуминсоний цивилизация ривожига улкан ҳисса қўшган қадим маданият ўчоқларидан бири бўлганини яна бир бор тасдиқлайди.

Бу бебаҳо мероснинг янада чуқурроқ ўрганилиши, шубҳасиз, олис аждодларимизнинг турмуш тарзи, меҳнат фаолияти, маънавий ҳаёти, маданияти, санъати ҳақидаги билим ва тасаввурларимизни бойитишга хизмат қилади.

Кўргазмадан жой олган биргина экспонат — қадимда донишмандлик рамзи ҳисобланган икки бошли илон (Фарғона водийсидан топилган, милоддан олдинги иккинчи мингйилликка таалluқли) тасвири туширилган тош тақинчоқ аждодларимиз ўтмишда заргарлик санъатини нечоғлик қадрлаганини кўрсатади.

Кўргазма ташкилотчилари йилнинг охиригача шу пайтгача фақат тор доирадаги мутахассисларга маълум бўлган, турли хил музей, маданий марказ ва институтлар фондида сақланиб келаётган мингдан зиёд ноёб экспонатни илк бор намойиш этишни мақсад қилиб олганлар.

Дунёда тенги йўқ мазкур кўргазманинг очилиши — мустақиллик давридаги маънавий тараққиётимизнинг ёрқин саҳифаси, десак муболаға бўлмайди.

Истиқлол туфайли ҳар биримиз бу бебаҳо санъат намуналари билан танишиш, қадимий аждодларимиз билан хаёлан мулоқот қилиш, улар билан руҳан яқинлашиш имконига эга бўлмоқдамиз.

Истардикки, ушбу кўргазмани юртдошларимиз келиб кўрса, кўҳна тарих сабоқларидан баҳраманд бўлса, ноёб топилмалар орқали қандай буюк инсонларнинг ворисi эканини, қандай улуғ заминда яшаётганини яна бир бор ҳис этса.

Хуллас, кўргазмага келган ҳамюртларимиз Ватанимиз тарихи билан янада кўпроқ фахрланиши, кўнгли ғурур ва ифтихорга тўлиши, аждодларимиз томонидан яратилган бу санъат дурдоналаридан маънавий қувват олиши ва охир пировардида мустақиллик, озодлик ва эркинлик қанчалик улуғ неъмат эканини ҳис этиши, шубҳасиз.

**Раим ФАРҲОДИЙ, Муртазо ҚАРШИБОЙ.**

ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ КЎМАК ЖАМҒАРМАСИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ УЧУН

ЎҚУВ КУРСЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

*Аризалар беришнинг охирги муддати — 2001 йил 10 июн*

**Танлов мақсади** – республика олий ўқув юртларида ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида, мазмунан ва ўқитиш услуби жиҳатидан янги инновацион ўқув курсларини жорий этиш, шунингдек янги ўқув дастурларини тарқатиш, республика ва яқин хориж ўқитувчилари ўртасида профессионал алоқаларни ўрнатиш.

**Ариза берувчилар** бир икки семестрга мўлжалланган ва келажакда олий ўқув юртларида ўқитилиши мумкин бўлган турли шаклдаги муаллифлик ўқув курсларини ишлаб чиқишга таклиф этиладилар. Танлов ғолибларига эса лойиҳа бўйича харажатларни қоплаш учун (муддати бир йилдан ошмайдиган) грантлар тақдим этилади.

***Танловда республика олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, тадқиқот институтларининг илмий ходимлари олий ўқув юртларида дарс бериш мажбуриятини олган ҳолда иштирок этишлари мумкин.***

***Аризалар социология, фалсафа, иқтисодий назария, сиёсатшунослик фанлари бўйича берилиши мумкин.***

**Грантлар** Очиқ Жамият Институти Кўмак Жамғармаси томонидан белгиланадиган лойиҳа муаллифига олий ўқув юртида курсни ўқитиш вақтида (кўпи билан 10 ой) ҳар ойлик стипендия тўлашни, шунингдек қуйидаги моддалар бўйича харажатларни қоплашни кўзда тутади:

- *дарсликларни харид қилиш;*
- *ўқув материалларини нусхалаш;*
- *талабалар учун тарқатиладиган курс ўқув материалларини тайёрлаш.*

**Курслар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида ишлаб чиқилиши мумкин. Агар курслар ўзбек ва қорақалпоқ тилларида кўриб чиқиш учун тақдим этилган бўлса, лойиҳа муаллифи томонидан рус тилидаги таржимаси албатта илова қилиниши зарур. Лойиҳанинг рус тилидаги матни Баҳолаш комиссияси учун керак.**

Тўлиқ бўлмаган ва муддатидан кеч тақдим этилган аризалар кўриб чиқилмайди.
Танлов натижалари 2001 йил 1 июл куни эълон қилинади.
Ариза шаклини олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин:

**700031, Тошкент, Зарбоғ кўчаси, 31-уй.**
**Ўзбекистон Очиқ Жамият Институти Кўмак Жамғармаси**
**Телефонлар: (371) 152-36-98, 152-39-15, 152-39-16.**
**Факс (371) 120-68-54,**
**E –mail: zulfiya@osi.uz**

4048

### Кўргазма

## «Катта шаҳар чироқлари»

Пойтахтимиздаги «Барокат» бизнес марказида Ўзбекистон Бадиий академияси, «Косонсой-Текмен» ўзбек-турк қўшма корхонаси ҳамда «Кишилар либоси» галереяси ҳамкорлигида «Катта шаҳар чироқлари» либослар кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада шойи, ип газлама, чарм ва трикотаж материаллардан тикилган мавсумий, замонавий кийим-кечаклар намойиш этилди. Эътиборли тарафи шундаки, шаҳримиз меҳмонлари, дипломатик корпус вакиллари, ишбилармонлар иштирок этган ушбу тадбирда намойиш этилган либосларнинг деярли ҳаммаси «Косонсой-Текмен» қўшма корхонасининг тўқимачилик фабрикасида ишлаб чиқарилган материаллардан тикилган.

**М.ХОЛМАТОВА.**

Тошкентда бўлиб ўтади

V ТОШКЕНТ САВДО-САНОАТ ЯРМАРКАСИ

25 - 28 апрел кунлари

"ЎЗКЎРГАЗМАСАВДО" (Беруний метро бекати)

Ташкилотчилар - Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси, Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси,

Ярмарканинг тайёрланиши ва ўтказилишини Тошкент Халқаро бизнес маркази таъминлайди

Кўп тармоқли кўргазма-ярмаркада Ўзбекистоннинг барча вилоят ва шаҳарларидаги, узоқ ва яқин хорижий давлатлардаги турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар, шунингдек, чет эл фирмалари иштирок этишлари мумкин.
Ярмаркада саноат жиҳозлари, халқ истеъмол моллари, ишлаб чиқариш воситалари, истиқболли технологиялар, инвестиция лойиҳалари, бўш ишлаб чиқариш майдонлари тўғрисидаги маълумотлар, халқ ҳунармандчилиги буюмлари қўйилиши мўлжалланмоқда.

Ярмаркага барча манфаатдор тузилмалар, юридик ва жисмоний шахслар унда намойиш этиладиган маҳсулотлар билан танишиш учун таклиф этиладилар.
Ярмаркада иштирок этиш хоҳишини билдирганлар Ярмарка дирекциясига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишлари мумкин :

998(71) 152-6458, 152-6462, 152-6463, факс - 998(71) 152-6461

4009

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

«ҒАЛЛАБАНК»

қуйидаги мутахассисликлар бўйича танлов асосида ишга таклиф этади:

ЛОЙИҲАВИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШ БЎЛИМИГА:
*(Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят филиалларига)*
• Бош мутахассис, • Етакчи мутахассис

ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ ТАШКИЛОТЛАР ВА БАНКЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК БЎЛИМИГА:
*(Тошкент шаҳрида)*
• Бош мутахассис, • Етакчи мутахассис

ВАЛЮТА АМАЛИЁТИ БЎЛИМИГА: *(Тошкент шаҳрида)*
• Бўлим бошлиғи, • Бош мутахассис, ○ Етакчи мутахассис

Номзодлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:
Қуйидаги соҳалардан бири бўйича олий маълумотга эга бўлиши:
халқаро иқтисодий алоқалар, иқтисодиёт, бизнесни бошқариш,
молиявий таҳлил, кредит ва молия, халқаро валюта-кредит муносабатлари;
Банк соҳасида камида 1 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши;
Инглиз ва рус тилларини мукаммал даражада билиши;
MS WORD, MS EXCEL, INTERNET дастурларидан фойдалана билиши.

ЮРИДИК ХИЗМАТ БЎЛИМИГА:
*(Тошкент шаҳар, Термиз, Бухоро, Фарғона, Урганч, Қарши, Андижон вилоят филиаллари бўйича)*
• Бош мутахассис
Номзодлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:
юридик олий маълумотга эга бўлиши;
молия-хўжалик ҳуқуқи соҳасида камида 1 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши;
давлат тили ва рус тилини мукаммал даражада билиши;
MS WORD дастуридан фойдалана билиши.

БАНК АМАЛИЁТЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ БЎЛИМИГА: *(Тошкент шаҳри)*
• Дастурловчи
Номзодлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:
информатика соҳаси бўйича олий маълумотга эга бўлиши;
дастурлаш тилларидан бирontасини мукаммал билиши ёки локал ҳисоблаш тармоғи операцион системалари бўйича чуқур билимга эга бўлиши.

ИНФОРМАТИКА БЎЛИМИГА *(Қашқадарё филиали, Бекобод ва Қўқон бўлимларига)*
Компьютер дастурларини эксплуатация қилиш бўйича мутахассис
Номзодлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:
информатика соҳаси бўйича олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлиши;
локал ҳисоблаш тармоғи операцион системаларидан фойдаланишни билиши.

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБ ЭТИЛАДИ:
• *ариза; шахсий варақа;* • *икки дона 4х5 ҳажмдаги сурат;* • *таржимаи ҳол;*
• *олий ўқув юртини ёки билим юртини тугатганлик тўғрисида диплом.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси томонидан хорижий мамлакатларда таълим олган ҳамда Банк-молия академиясини тугатган мутахассисларга имтиёзлар берилади.

*Ҳужжатлар тақдим этишнинг охирги куни: 2001 йил 30 апрел*

Қўшимча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:
Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй.
Тел.: 136-14-18, 136-14-27, 133-47-83, факс: 136-14-27, 133-42-25.
Шунингдек, РАТБ «Ғаллабанк»нинг Тошкент шаҳрида Амалиётлар бошқармаси ва ўқув бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона, Хоразм филиаллари ҳамда Қўқон ва Бекобод бўлимларига мурожаат қилиш мумкин.

4058

